

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ**

**UZBEKISTAN LAW REVIEW**

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
УЗБЕКИСТАНА**

|                                      |                                              |                                            |
|--------------------------------------|----------------------------------------------|--------------------------------------------|
| <b>ИЛМИЙ<br/>ТАҲЛИЛИЙ<br/>ЖУРНАЛ</b> | <b>SCIENTIFIC<br/>ANALYTICAL<br/>JOURNAL</b> | <b>НАУЧНО<br/>АНАЛИТИЧЕСКИЙ<br/>ЖУРНАЛ</b> |
|--------------------------------------|----------------------------------------------|--------------------------------------------|

---

---

**2024  
№4**

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

## БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович — юридик  
фанлари доктори, профессор.

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович — ю.ф.д.,  
профессор.

Ҳўжаев Шохжаҳон Акмалжон ўғли — юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Оқюлов Омонбой — ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёкубович — ю.ф.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович — ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна — ю.ф.д., доц.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич — ю.ф.д., доц.

Бекоев Ихтиёр — ю.ф.д., проф.

Бозоров Сардор Сохибжонович — ю.ф.д., проф.  
в.б.

Хазратқулов Одилбек Турсунович — юридик  
фанлари номзоди, доцент.

Самарходжаев Ботир Билялович — ю.ф.д.,  
профессор.

Ходжаев Бахшилло Камалович — ю.ф.д.,  
профессор.

Нарзиёв Отабек Саъдиевич — ю.ф.д., проф. в.б.

Жолдасова Шахноза Батировна — юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш  
сўралади:

Гулямов Саид Саидахарович,  
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович  
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,  
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон  
нужаси Интернетдаги [www.library-tsul.uz](http://www.library-tsul.uz) ёки  
[www.lawreview.uz](http://www.lawreview.uz) сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация  
комиссияси журналлари рўйхатида киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар,  
талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб,  
Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик  
университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.  
2024 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик  
университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.  
Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва  
қўлайлиги Тошкент давлат юридик университети рухсати  
билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент  
давлат юридик университетига мурожаат этилади.  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ  
кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**  
Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **Д. Козимов**  
Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди — 25.12.2024

Наشريёт ҳисоб табоғи — 5

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди  
Адади — 100 нусха.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
ЖУРНАЛ

4/2024

## МУНДАРИЖА

| МУНДАРИЖА                                                                                                                                                                                                                |     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Ш.Туйчиева</b><br>Теоретические основания и критический анализ подхода к урегулированию инвестиционных споров в контексте статьи 63 Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» ..... | 3   |
| <b>У.Шарахметова</b><br>Укрепление в семье личных и имущественных прав обязанностей супругов на основе принципа равенства .....                                                                                          | 7   |
| <b>Ж.Тўраев</b><br>Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати ва текширувининг назарий ва амалий аҳамияти .....                                                                                | 11  |
| <b>Д. Имомова</b><br>Определение применимого права для внешнеэкономических сделок в условиях цифрового пространства .....                                                                                                | 15  |
| <b>Х.Шарипова</b><br>Правовое регулирование облачных технологий в контексте международного сотрудничества .....                                                                                                          | 17  |
| <b>I.Abdikhakimov</b><br>Quantum computing and its impact on cybersecurity: redefining legal frameworks for a post-quantum era .....                                                                                     | 20  |
| <b>I. Rahmatulloyev</b><br>Prokuratura organlarining fuqarolik huquq va burchlarini amalga oshirishdagi ishtiroki .....                                                                                                  | 24  |
| <b>S. Tatar, N. Dilboboev</b><br>Means of international investment dispute resolution .....                                                                                                                              | 28  |
| <b>Э.Инамджанова</b><br>Особенности преподавания коллизионного права в современном образовательном процессе .....                                                                                                        | 32  |
| <b>J.Askarov</b><br>Sun'iy intellekt yordamida sog'liqni saqlashni rivojlantirish: huquqiy takomillashtirish .....                                                                                                       | 46  |
| <b>T.Pulatov</b><br>Digital Financial Assets as an Object of Civil Rights .....                                                                                                                                          | 50  |
| <b>Д.Имамалиева</b><br>Развитие механизмов альтернативного разрешения споров на международной и национальной арене .....                                                                                                 | 57  |
| <b>SH.Almosova</b><br>Xalqaro shartnomalar ijrosini ta'minlash usullari va vositalari tahlili .....                                                                                                                      | 62  |
| <b>A.Akramov</b><br>A comparative analysis of international legal norms regarding the inheritance of digital property .....                                                                                              | 69  |
| <b>E.Asadov</b><br>Davlat moliyaviy nazoratida moliyaviy javobgarlik va uning yuridik tabiati .....                                                                                                                      | 77  |
| <b>D.Abdullaeva</b><br>The system of international control over the observance of human rights at work .....                                                                                                             | 88  |
| <b>М. Турдалиев</b><br>Определение и сущность искусственного интеллекта (ии) в контексте международной торгов-<br>ли .....                                                                                               | 93  |
| <b>О.Хазраткулов</b><br>Рақамли активлар билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масаласида хорижий мамлакатлар тажрибаси .....                                                                     | 102 |
| <b>Б.Акмалхонов</b><br>Механизмы защиты права собственности в международном праве .....                                                                                                                                  | 109 |
| <b>Sh.Alamonova</b><br>Revisiting Public Services under GATS: A Legal Analysis of Commitments and State Discretion .....                                                                                                 | 114 |
| <b>Б.Саидов</b><br>Проблемы гражданско-правового обеспечения кибербезопасности охраняемых объектов: договорные аспекты .....                                                                                             | 118 |
| <b>Sh.Sotvoldiyev</b><br>Xalqaro tijorat sudlari - nizolarni hal qilishning usuli sifatida .....                                                                                                                         | 124 |
| <b>А.Вахабов</b><br>Халқаро хусусий ҳуқуқда — lex voluntatis тамойили .....                                                                                                                                              | 126 |

**Хазратқулов Одилбек Турсунович**

Тошкент давлат юридик университети Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, профессор

## **РАҚАМЛИ АКТИВЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАСИДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

**Аннотация.** Мазкур мақола орқали фуқаролик-ҳуқуқий муомилада вужудга келган ўзига хос рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда мавжуд ижтимоий эҳтиёжлар ҳамда бу борада ечимини кутаётган масалаларни эътиборга олган ҳолда рақамли активлар оид илмий қарашлар ва назарий масалалар таҳлил объекти сифатида ўрганилади. Мақолада ривожланган хорижий мамлакатларда рақамли активларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида ўрганилганлиги, унинг ҳуқуқий табиати ва тартибга солиш усуллари қисқача илмий таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу мақолада муаллиф рақамли активлар билан боғлиқ хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилар экан, унда суд амалиётидан мисоллар келтириб, келажакда мавжуд қонунчилик олдидан ечимини кутаётган масалаларга эътибор қаратади. Мазкур мақола орқали ўқувчида рақамли молиявий технологиялар ёрдамида муомила бўлган рақамли активлар тўғрисида ҳамда унинг FinTech доирасида амалда бўлиш чегаралари ҳақидаги қарашларини бойитишга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** FinTech, рақамли молия, рақамли хизматлар, рақамли актив.

**Abstract.** Through this article, taking into account the existing social needs in the legal regulation of unique digital relations that have arisen in civil-legal transactions, as well as the issues waiting to be resolved in this regard, scientific views and theoretical issues regarding digital assets are the object of analysis. is studied. In the article, the study of digital assets in developed foreign countries as an object of civil-legal relations, its legal nature and methods of regulation is briefly scientifically analyzed. Also, in this article, the author analyzes the experience of foreign countries related to digital assets, gives examples from judicial practice, and draws attention to the issues that await the solution of the existing legislation in the future. This article will help to enrich the reader's view of digital assets traded with the help of digital financial technologies and the limits of its practicality within the framework of FinTech.

**Keywords:** FinTech, digital finance, digital services, digital asset.

**Аннотация.** В данной статье, с учетом существующих общественных потребностей в правовом регулировании уникальных цифровых отношений, возникших в гражданско-правовых

сделках, а также вопросов, ожидающих своего разрешения в этой связи, изучаются научные взгляды и теоретические вопросы относительно цифровых активов. В статье кратко научно анализируется изучение цифровых активов в развитых зарубежных странах как объекта гражданско-правовых отношений, их правовой природы и методов регулирования. Также в данной статье автор анализирует опыт зарубежных стран, связанный с цифровыми активами, приводит примеры из судебной практики, а также обращает внимание на вопросы, которые в будущем ожидают решения действующего законодательства. Данная статья поможет обогатить представление читателя о цифровых активах, торгуемых с помощью цифровых финансовых технологий, и границах их практической применимости в рамках FinTech.

**Ключевые слова:** FinTech, цифровые финансы, цифровые сервисы, цифровой актив.

### **Кириш**

Бугунги кунда ривожланган давлатлар иқтисодиётида “рақамли хизматлар” атамаси кириб келганлиги, ушбу атама соясида рақамли хизматлар бозорининг фуқаролик муомиласида иштирок этиб келаётганлиги, унинг мавжудлиги мазкур муносабатнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш заруратини кун тартибига қўйди. Тан олиб айтиш лозимки турли давлатлар ва халқаро молиявий компаниялар томонидан барча учун мажбурий бўлмаган дастурлар, рақамли хизматлар кўрсатиш моделлари ишлаб чиқилди. Бу борада Европа иттифоқи таркибига кирувчи молиявий қудратга эга бўлган давлатлар, Япония ва Хитой давлатлари рақамли молиявий активларни жорий қилиш бўйича бирмунча олдинлаб кетди ҳамда улар улар бу борада етарли тажрибага эга мамлакатлар қаторига киради.

Ҳар бир жамиятда кириб келган янгиликлар доим ҳам кенг омма томонидан доим ҳам қўллаб-қувватланмаган ҳамда бундай янгиликлар ҳар қачон ҳам турли қаршилиқ ва тўсиқларга учраган. Рақамли молиявий активлар билан боғлиқ қонунчилик ривожига хизмат кўрсатувчи концепцияларининг мавжуд эмаслиги ёки бори ҳам ўзининг етарли камчиликларига эга эканлиги тегишли турли саволларни келтириб чиқаради. Шу сабабли мазкур параграфда рақамли активлар билан боғлиқ муносабатларининг равожланган мамлакатлар амалиётида қай тарзда тараққий этаётганлиги ҳамда бу борадаги муаммоли ҳолатлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу борада рақамли хизматлар доирасида бир неча давлатлар томонидан валюта сифатида эътироф этиб келанаётган криптовалюта, токен ва блокчейн технологияси молиявий майдонда ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

Криптовалюта билан боғлиқ тадқиқотларда муаллифлар томонидан бир унинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фикрлар билдириб ўтишган. Уларнинг фикрича, криптовалюта – бу Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлатларнинг валютасида белгиланма-

ган, ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилган ва ҳисобга олинадиган мулк, ундан электрон пул ва қонуний тўлов воситалари билан боғлиқ бўлмаган номаълум доирадаги шахслар томонидан ҳеч қандай марказий ҳокимият назоратига бўйсунмайдиган криптографик марказлаштирилмаган реестр тизимида яратилган ва бошқариладиган конвертация қилинадиган рақамли валюта[1], сифатида баҳолайди.

Криптовалюта ўзининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишида кўпгина масалаларни қамраб олиш зарурати мавжудлиги билан белгиланади. Криптовалюталар электрон, марказлаштирилмаган ва ўзидан назоратни соқит қила оладиган валюталардир. Удаги мазкур хусусиятлар унинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласида ҳамда ҳуқуқий мақомини аниқлашда албатта қийинчилик туғдиради. Биз рақамли валюталарни ҳуқуқий тартибга солишда мамлакатлар томонидан алоҳида-алоҳида ёндашувлар, бу борада қонунларни ёки қонуности ҳужжатларни қабул қилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу йўл орқали ҳар бир давлат криптовалюталар, шу билан бир қаторда рақамли активлар учун қонуний режимни белгилашга ҳаракат қилиши лозим.

Бугунги кунда рақамли активлар билан боғлиқ келажакда ечимини кутаётган қуйидаги ҳуқуқий масалаларни кўрсатиб ўтиш мумкин, жумладан:

- рақамли молиявий активларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишлик, яъни рақамли молиявий активларни харид қилиш, унинг муомилада бўлиш доирасини ҳамда юридик табиатини белгиловчи мезонларни аниқлаб олиш лозим;

- рақамли молиявий ҳуқуқлар билан боғлиқ ҳуқуқий базани шакллантиришлик, яъни рақамли активлар билан боғлиқ операциялар тўғрисида молиявий ҳисоб-китоблар, ҳисобдорлик, таҳлил, назорат ва таққослама функцияларни тартибга солувчи орган ваколатларини ишлаб чиқишлик;

- рақамли активлар билан содир бўлини мумкин бўлган молиявий жиноятлар, яъни криптовалюталарни юбориш ва қабул қилиш жараёнида пул оқимини яшириш билан боғлиқ ҳамда бошқалар тўғрисидаги маълумотларни юритиш;

- бу борада ислом молияси билан боғлиқ масалалар ҳам ўрганиш, шаръий ҳуқуқларининг рақамли молиявий активлар тизимга нисбатан қўлланилиш мезонини аниқлаш ҳамда рақамли молиявий активлар ислом ҳуқуқи меъёрларига мос равишда ишлатилиши ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан амалга тадбиқ этиш;

- рақамли активлар билан боғлиқ муомилада шахсга оид маълумотларни сир сақланиши, уни муҳофаза қилиниши ва махфийлигини таъминлаш мажбуриятининг мавжудлиги қонун доирасида шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатловчи нормалар ишлаб чиқиш вазифаси кун тартибига кўяди. Бунда рақамли молиявий хизматлар ҳамда рақамли молиявий активларда шахсий маълумотларни тўғридан-тўғри сақлаш ва

ҳимоялаш талаблари юқори даражада ҳимояланишини талаб этади. Рақамли муносабатлардаги энг нохизик нуқталардан бири ҳам шахс билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ҳамда ҳимоялашда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биз қуйидаги таҳлиллар орқали юқоридаги муаммолари жиҳатларни ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқот натижалари сифатида таҳлил қилишни ўз олдимишга мақсад қилганмиз. Шу ўринда таҳлил доирасини бироз қисқартирган ҳолда асосан блокчейн, криптовалюта ва токенлар билан боғлиқ молиявий амалиёт доираси билан чекланишни лозим топдик.

Блокчейн технологиясида асосланган криптовалюталар билан молиявий амалиётнинг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши халқаро-молиявий-ҳуқуқий тартиб учун аниқ муаммога айланди.

Бир томонидан янги рақамли технология билан иқтисодиётга фойдали таъсир кўрсатиш салоҳияти, молия тизимига сармоя жалб қилишнинг жозибали имконияти, ҳисоб-китобларда кераксиз воситалардан воз кечиш йўли борлиги билан баҳолаш мумкин.

Тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, жамиятга кириб келган “янги молиявий амалиёт” – криптоактивлардан жиноий фаолиятда фойдаланиш, молиявий пирамидаларни яратиш ва ташкил қилиш, молия тизимида давлат таъсирининг заифлашиши ва бу орқали очик ойдin салбий таъсирга эга бўлган хавф-хатарни келтириб чиқариши мумкин[2]. Бироқ ўтган йиллар давомида олдинда турган аниқ хавф-хатарнинг мавжудлигида қармай халқаро молиявий институтлар криптовалюта молиявий қурилмасини бирлаштиришга, уни қандай бўлмасин қабул қилишга ҳамда уларга нисбатан мавжуд тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишмоқда.

Бу ҳаракатларни амалга оширишда турли интеграциялашган тузилмалар ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи давлатлар томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу амалиёт ташаббускорлари криптоактивларни ҳуқуқий тартибга солувчи тизимни яратиш борасида баъзи давлатлар қонунларига тегишли нормаларни киритишни ўз олдларига мақсад қилиб олишган. Бу мақсадни амалга оширишда тавсиявий характерга эга бўлган ҳужжатларни қабул қилиш, вертуал молиявий амалиёт натижаларини умумлаштириш, шу асосда босқичма-босқич тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда бунинг ҳуқуқий асосларини, яъни қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш истаги мавжуд.

Бу йўлда рақамли молиявий активлар билан боғлиқ амалиёт яширин тарзда амалга оширилиши сабабли уни ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда ўзига хос таърифини ишлаб чиқиш муаммоларини келтириб чиқаради.

Рақамли молиявий активлар билан боғлиқ имлолуғатини ишлаб чиқиш ҳамда унинг ҳуқуқий тавсифини очиб бериш FATF (Financial Action Task Force – FATF)нинг олдида турган биринчи вазифа ва мақсадларидан бири эди. Мазкур ташкилот айнан ушбу мақсадини 2014 йилга келиб амалга оширди.

Таъкидлаш лозимки, мақсади пул ювишга қарши курашиш бўлган орган FATF томонидан криптовалюта тушунчасини очиб берувчи таърифнинг биринчи бўлиб ишлаб чиқилганлиги унинг қанчалар муҳим эканлигини далолат беради.

Ушбу ишлаб чиқилган таърифга кўра, криптовалюта – “рақамли (виртуал) валюта” номи билан халқаро доирада тан олинган, маълум қийматга эга бўлган, ўз хусусиятига кўра рақамли равишда сотилиши, айрибошлаш воситаси сифатида эътироф этилиши, қиймат бирлигига эга бўлиши ёки шу қийматни сақлаши мумкин бўлган виртуал амалиётда мавжуд бўлган рақамли валютадир.

Шундай мазмунда таъриф ишлаб чиқилган бўлсада, криптовалюта қонуний тўлов воситаси сифатида ҳар қандай давлат юрисдикциясида тан олиншини таъминлай олмайди.

Гарчи криптовалютага нисбатан ишлаб чиқилган мазкур таъриф объектнинг рақамли хусусиятларидан келиб чиққан, унинг валюта сифатида одатий белгиларини ҳисобга олган ва амалиётда унинг муомиласи мавжуд бўлганлигига қарамасдан давлатлар томонидан қонуний тартибга солинмаганлиги сабабли тўлов воситаси сифатида тан олмайди.

FATF томонидан криптовалютага нисбатан берилган таърифга кўра, “математик алгоритмга асосланган, криптогарфия билан билан ҳимояланган ва марказлаштирилмаган ҳолда конвертация қилинадиган виртуал валюта” деб тан олинди[3].

Рақамли актив деганда “яратилиши ва ишлатилиши рақамли технологиялар ёрдамида амалга ошириладиган электрон шаклдаги мулк” тушунилади. Рақамли белги (токен) “рақамли активларнинг бир тури бўлиб, у трансакция блоклари (блокчейн) рўйхатидаги ёзув бўлиб, бошқа тақсимланган маълумотлар базаси ёрдамида маълум бир ҳисоб бирлигини ёки ўз қийматини сақлаган ҳолда айрибошлаш воситаси сифатида қабул қилинади”[4].

Кембриж муқобил молия маркази тадқиқотчилар фикрича, ҳозирда криптовалюта билан боғлиқ муносиватларда унга нисбатан ягона тан олинган атама мавжуд эмас. Криптавалюта билан боғлиқ амалиётда уни тартибга солувчи томонидан “вертуал валюта” ёки “рақамли валюта” атамаларидан синоним сифатида фойдаланиб келишади[5].

FATF томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида “Вертуал активлар ва таваккалчиликка асосланган ёндашув бўйича йўриқнома”ни ишлаб чиқди.

Мазкур қоидаларда кўрсатилган тавсияларнинг 15-бандига асосан мамлакатлар FA хизмат кўрсатувчи провайдерлари FATF томонидан кўрилган чораларга риоя қилиш учун ML/SFTни тартибга солиш, лицензиялар ёки рўйхатдан ўтказишни таъминлаш лозим[6].

Тегишли ўзгартириш БМТ хавфсизлик кенгаши резолюциясида мустаҳкамланган бўлиб, у барча давлатларни қайта кўриб чиқилган 40 та тавсияда мустаҳкамланган кенг қамровли халқаро стандартларга риоя қилишга чақирди. Фукиоко G-20 доирасига ки-

рувчи давлатларнинг молия вазирлиги ва марказий банк раҳбарларининг ўзаро учрашувларида ҳам вертуал активлар тегишли провайдерлар бўйича FATF тавсияларини қўллаш ниятини таъкидлади[7].

Мазкур қоидалар шарҳида таъкидланганидек, рақамли активлар маъносини очиб берувчи “мулк”, “даромад”, “маблағлар”, “маблағлар ва бошқа активлар” ёки бошқа “тегишли қиймат”[8] сифатида кўриб чиқилиши лозим. Бироқ, улардан жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш мақсадида фойдаланмаслик кераклигига алоҳида урғу берилади.

Мазкур қоидаларда кўрсатилган тавсияларда хизмат кўрсатувчи провайдерлардан рақамли валюта хисоб-китоблар иштирокчиларини шахсизлантириш қоидаларига риоя қилинишини талаб қилади. Бу ҳолат эса ўз навбатида криптовалюта операцияларини асосий авфзалликлардан маҳрум қилади.

Европа молиявий барқарорлик кенгаши (FSB) 2018 йилда криптовалютани глобал молиявий барқарорликка таъсирини ўрганиб чиқди. Мазкур кенгашнинг таъкидланишича, бозорнинг кичик хажми туфайли крипто активлари глобал молиявий барқарорликка таҳдид солмайди [9]. Лекин тартибга солувчилардан муаян чораларни талаб қилади, ҳисоботнинг асосий хулосаси шундан иборатки, мустақил валютанинг асосий белгиларидан маҳрум бўлган бундай активлар умумий тўлов воситаси, қиймат омбори ва ҳисоб бирлиги эмас. Молиявий барқарорлик кенгаши (FSB)нинг чоп этган бошқа мақолаларида 25 давлат ва 7 та халқаро молия институтини томонидан крипто активларни тартибга солиш ёндашувларини кўриб чиқиш[10] таъкидланган.

Қимматли қоғозлар бозори халқаро ташкилоти (IOSCO) крипто активлар билан совдо қилиш платформалари билан боғлиқ услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишни таъминлайди[11]. Қизиғи шундаки, ушбу ташкилот фонди тартибга солиш соҳасида глобал стандартлар яратувчиси бўлиб, рақамли активлар муомиласи жараёнининг энг муҳим элементи – криптовалютанинг дастлабки таклифи (Initial Coin Offering) бўйича умумий қўлланмасини ҳанузгача эълон қилмаган.

Бундай таклифларнинг бир қисми сифатида эмитент кўплаб инвесторлардан жойлаштирилган крипто активлар учун катта миқдорда маблағ тўплайди. IOSCO веб-сайтининг тегишли бўлими атиги бир неча ўнлаб ҳужжатларни ўз ичига олади. Жумладан, турли юрисдикцияларнинг регуляторлари томонидан (БАА, Аргентина, Австралия, Канада, Хитой, Франция, Германия, Италия, АҚШда) бир неча ҳужжатлар қабул қилиб келинмоқда[12].

Тадқиқотчи П.Валентенинг таъкидланишича, вертуал валюталар муаммосини расмий даражада ҳал қилинган Европа иттифоқи институтларидан биринчиси 2012 йилги ҳисоботида бундай валюталар муомиласининг ўзига хос хусусиятлари сифатида ҳуқуқий тартибга солишнинг йўқлигига ишора қилган Европа марказий банки эди[13].

2014 йилда Европа банк идораси ноқонуний фао-

лияти учун вертуал валютадан фойдаланишини олдини олиш, таранзакцияларни деанонимизациялаштириш (маълумотларни анонимлаштириш), шунингдек креиптавалюталар билан операцияларни провайдерлар билан бир хил тарзда тартибга солишни таъминлаш учун бир қатор чора-тадбирларни тақдир қилган ўз фикрини эълон қилди. Молиявий хизматлар яъни бозорни манипуляция қилишни тақиқлаш, капиталнинг минимал талабларини жорий этиш ва бошқалар. Европа банкининг 2019 йилдаги хисоботида креиптавалюталарни “асосан криптография ва тақсимланган дафтар технологиясига ўзининг назарида тутилган ёки ўзига хос қийматининг бир қисмига таянадиган хусусий актив” сифатида белгилайди ҳамда маҳсулот ёки хизматга киришини таъминлайдиган криптоактивлар тўлов алмаштириш токенлари, инвестиция даражасидаги токенлар ва бошқа токенларни ўз ичига олади[14].

Европа марказий банкининг 2019 йилда берган хисоботи криптоактивларга таъриф берар экан, бундай актив бирон бир ташкилотнинг молиявий даъвоси ёки жавобгарлигини англатмайди [15], деган хулосага келади.

Европа банк бошқармаси хисобларида қоида тариқасида кўрсатиб ўтиладики, криптоактивлар Европа Иттифоқида молиявий хизматларни тартибга солиш параметридан ташқарида эканлигини таъкидлайди, бу эса аъзо давлатларда бундай активлар билан операцияларнинг ҳуқуқий тартибига турлича ёндашувлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай фарқлар ҳар бир иштирокчида тенг ҳуқуқларга эга бўлган Европа Иттифоқи ягона бозорининг ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин. Европа марказий банки жорий тартибга солиш инфратузилмаси билан креиптавалюталарни хисобикитоб тизимига киритиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Чунки, улар қимматли қоғоз сифатида таснифланмаган, банклар ва инвестиция компаниялари учун мавжуд капитал талаблари тизими криптоактивлари учун мослаштирилмаган. Бироқ, тегишли битимларнинг кичик тақсимланиши туфайли молиявий барқарорликка таваккалчилик ҳали ҳам аҳамиятсиз хисобланади.

Европа қимматли қоғозлар ва бозорлар органининг тавсиясида кўрсатилишича, крипто активларни ҳуқуқий тартибга солиш Европа иттифоқининг умумий ёндашувини талаб қилишни ва крипто активлар баъзи ҳолларда молиявий воситалар сифатида таснифлаши ва уларнинг айланишига тегишли тартиб қўлланилишини кўрсатади, шу жумладан ICO қоидаларига нисбатан ҳам. Бироқ, Европа иттифоқининг ҳуқуқий ҳужжатлари крипто активлари учун яратилмаганлиги сабабли миллий тартибга солувчилар бундай активларни талқин қилиш ва қўллашда қийинчиликларга дуч келишади. Криптоактивларнинг айрим турлари молиявий воситалар бозорини тартибга солиш доирасига кирмайди ва бу активларга инвестициялар инвесторлар учун катта хавф туғдиради [16].

Мазкур молиявий активлар билан боғлиқ муносиватларни яна бир тартибга солиш муаммоси

креиптавалюталар билан амалга оширилган молиявий амалиётларни солиққа тортиш масаласидир. 2015 йилда Hedkvist иши бўйича Европа иттифоқи суди биржа амалиётига нисбатан энг машҳур креиптовалюта биткойнларининг солиқ режимини кўриб чиқди[17]. Мазкур суд иши мазмунан қуйидагиларни, яъни Девид Хедквист ўз фирмаси орқали анъанавий валютани “Bitcoin” рақамли валютасига алмаштириш бўйича хизматлар кўрсатишни ният қилган ҳолда Швеция солиқ комиссиясига тушунтириш беришни сўраб мурожаат қилган ҳамда қўшимча қиймат солиғидан креиптовалюта амалиётини озод қилиш ҳақидаги дастлабки қарорни олган. Швеция солиқ органи мазкур дастлабки қарорни Швеция Олий маъмурий судига шикоят ариза билан мурожаат қилиб, шу орқали Европа иттифоқи адлия судига умумий қўшилган қиймат солиғи тизими бўйича Европа Иттифоқи Дерективини шархлаш учун дастлабки сўров юборди. Сўровни юборган суд рақамли валютанинг ҳуқуқий тавсифини очиб беришда Европа Марказий Банки хисоботида таянган ҳолда “унинг юритувчилари томонидан чиқарилган, назорат қиладиган ва маълум бир рақамли ҳамжамияти аъзолари томонидан қабул қилинсада тартибга солинмаган рақамли валюта тури” деб тушунтириш беради [17].

Рақамли валюталар жаҳонда аниқ қўлланиланилиши бўйича бошқа конвертация қилинадиган валюталарга ўхшасада, бироқ улар тегишли Европа Иттифоқи директиваси кўрсатилганидек электрон пуллардан вертуал валюталар ўзининг амалда мавжуд пул номинал қиймати билан алмаштириш (деноминация) хусусиятига эга эмаслиги билан фарқ қиладди. Шу билан бирга вертуал валюта биткойн моддий объект эмас, шунга кўра у билан амалга ошириладиган амалиёт қўшимча қиймат солиғи мақсадлари учун тўловларни етказиб бериш тартибига эмас, балки хизматларни тақдим этиш тартибига бўйсунди.

Шундай қилиб креиптавалюталарни тўлов учун фиат пулга алмаштириш билан боғлиқ амалиётлар қўшимча қиймат солиғи тўғрисидаги директиванинг мақсадлари учун хизматларни етказиб беришни ташкил этади.

Бироқ, бундай хизматлар қонуний тўлов воситаси сифатида фойдаланиладиган валюта, банкнотлар ва тангалар билан боғлиқ амалиёт сифатида ҚҚС озод қиладди.

Тушунтириш беришда шундай такрорий хулосага келинадики, виртуал валютанинг “тўлов воситаси бўлишидан бошқа мақсади йўқ” деган тўхтамга келади. Суд биткойн амалиётини депозитлар, жорий хисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, қарзлар, чеклар, қимматли қоғозлар ва бошқа муомила ҳужжатлари билан амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олади ва шу асосларга кўра ҚҚСдан озод қилишни қатъиян рад этади[18].

Суднинг мазкур қарори орқали барча қиймати учун у пул белгиси – биткойн билан биржа операцияларини солиққа тортишнинг жуда тор масаласини ҳал қиладди. Кўпчилик молиявий амалиётни солиққа тортиш тарти-

бининг асосий муаммолари солиққа тортиладиган то-варлар ва хизматлар учун криптовалютада ҳисоб-китоблар, бошқа турдаги токенлар жумладан мулк ва инвестиция токенлари билан молиявий амалиётларни солиққа тортиш масалалари суднинг қарориди назарда тутилмаган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу қарор фақат крипто активлар билан боғлиқ амалиётларни солиққа тортиш ҳақидаги мунозарали ҳолатларни юза-га келтиради[19].

Бугунги кунда келиб, Европа Иттифоқида рақамли валюталарнинг ҳуқуқий тартибифақат пул ювишга қарши курашиш мақсадида ўрнатилади. Шундай қилиб, FATFнинг тавсияларига таянган ҳолда 2018 йилнинг май ойида Европа парламенти ва Молия тизими пул ювишга қарши кураш бўйича Кенгашнинг директиваси-да ўзгартиришлар киритилди. Бу рақамли валютани ва электрон ҳамёни сақлаш бўйича хизматлар провай-дерини ҳамда унинг мажбуриятларини белгилайди. Европа иттифоқида аъзо давлатларнинг бундан отка-зиб берувчиларини, рақамли ва фиат валюталарни алмаштириш корхоналарини рўйхатдан ўтказишни, уларнинг менежерлари ва бенифициар эгаларини аниқлашни таъминлаш ҳақида келишиб олинди[20].

Бизни мазкур ҳолат Европа Иттифоқининг ушбу ҳуқуқий ҳужжати барча давлатларнинг (интеграция бирлашмаларини, агар улар тегишли ваколатларга эга бўлса) ўзларининг миллий қонунчилигига рақамли ак-тивлар бўйича қоидаларни киритишга мажбур қилади-ган FATF қоидалари эканлигини ажойиб тасдиғидир, деган хулосага олиб келади. Жиноий фаолиятдан оли-надиган даромадларни легаллаштиришда қарши ку-рашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўзгартириш эса қонун ҳужжатларининг бошқа соҳаларида ҳам бундай молиявий активларни тартибга солиш тарти-бини ўртатишга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб халқаро молия ташкилотлари Европа органлари ўз ихтисослашувига кўра сўнги 5 йил ичида рақамли ак-тивларини тартибга солишга ёндашувларини ишлаб чиқишга киришдилар. Биринчи ўринда зудлик билан аралашувни талаб қилувчи асосий муаммоли нуқталар аниқланди: жумладан, жиноий молиявий активларни қонунийлаштириш учун критовалюталардан фойдала-ниш, криптоактивларни қийматининг ошиб кетиши, молиявий пирамидаларни куриш имконияларини, биржа амалиёти ва молиявий барқарорлик хавфини аниқлаш лозим. Кўриниб турибдики, давлатлар ва интеграция бирлашмалари криптовалюталарни тартибга солиш бўйича самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш учун халқаро молия ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, бу эса унги технологиялар хафини сезилар-ли даражада камайтиради.

Шундай қилиб, 2019 йил охирида Европа Итти-фоқида FinTech (молиявий технологиялар)ни тартибга солиш бўйича тавсияларни ишлаб чиққан Европа ко-миссиясининг эксперт қўмитаси Европа регулятори (Европа назорат органлари ва Европа марказий банклар тизими) стандартлар ишлаб чиқарувчи халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни ўз ичига

олган[21]. Шундай қилиб, рақамли валюталар билан операциялар кўринишида номаълум ходисанинг пайдо бўлишига дуч келган Европа интеграция субъекти, тегишли операцияларни ҳуқуқий тартибга солиш тизи-мини ишлаб чиқариш мақсади сари босқичма-босқич ҳаракат қилмоқда.

Биз бу борада Осиёнинг бир қанча мамлакатлари криптоактивларга нисбатан қатъий ёндашганлигини ҳамда уларни ёки улар билан боғлиқ фаолиятни ўрга-нишни лозим деб топдик. Рақамли рақамли валюта билан боғлиқ муносабатлар Япония давлати томони-дан дастлаб тақиқлаган бўлса, кейинчалик сезиларли даражада бошқача ёндашувни қўллаган. Дастлаб, Япониянинг мазкур масалада тутган ўрни шундан иборат эдики, 2014 йилда японияда Биткоин биржаси Mt.Gox банкрот бўлиши натижасида яқин келажақда криптовалюталарни тартибга солишга ҳаракат қил-майди, деган фикр вужудга келган. Бироқ, 2016 йилда япон қонун ижодкорлари "рақамли (виртуал) валюта" ни аниқлаш ва "Рақамли валюта айирбошлаш хизма-тларини этказиб берувчиларга нисбатан қоидаларни қўшиш учун тўлов хизматлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш киритишди. Мазкур қонун "рақамли валюта айирбошлаш хизматларини этказиб берувчилар"ни:

- рақамли валюталарни сотиб оладиган ёки сота-диган ёки битта рақамли валютани бошқасига ал-маштирадиган;

- рақамли валюталарни сотиб олиш, сотиш ёки ал-маштириш учун воситачи, агентлик ёки ваколатли хиз-мат кўрсатувчи провайдер сифатида ҳаракат қилиш;

- юқорида кўрсатилган ҳар қандай фаолият билан боғлиқ ҳолда мижозларнинг пулларини ёки уларнинг рақамли валютасини бошқаришда иштирок этса, қўлланилиши белгилаб қўйилган[22].

Бунинг кенг табиати нафақат одатий онлайн крип-товалюта биржалари ва платформаларини, балки биржадан ташқари бозорларда ишлайдиган жисмоний шахслар мавжудлиги бўлган брокерлар, маркетинг ва савдо платформаларини ҳам қамраб олади.

Бундан ташқари, жиноий даромадларни ўтказиш-нинг олдини олиш тўғрисидаги қонунга рақамли валю-та айирбошлаш хизматларини этказиб берувчилар ҳуқуқларини тартибга солувчи ўзгартиришлар кири-тилди.

Бироқ 2018 йил январ ойида Япониядаги энг йирик рақамли валюта биржаларидан бири бўлган Coincheck Inc ўз тизимига хакерлик ҳужуми натижасида тахминан 530 миллион долларлик рақамли валютани йўқотгани-ни эълон қилди[23]. Кейинчалик Coincheck Inc ўз фао-лиятини Япониянинг Monex Group Inc интернет-брокери томонидан сотиб олинганидан сўнг ва Япония Молиявий Хизматлар Агентлигидан бизнесни яхшилаш буйруғини олганидан сўнг, биржа бошқарув тизимида "қатъий" ислохотлар ўтказиш талабини қўйди[24]. Бўлажак рақамли валюта биржаларига лицензия бе-риш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилишда Япония Молиявий Хизматлар Агентлиги бизнес-режаларни, хакерликларга қарши чораларни ва бошқа

конунбузарликларга қарши қўйилган химоя воситалари тўғрисидаги аризачиларнинг саволга жавоб беришлари керак.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазказлашмаган молиявий активларни тўғридан-тўғри тартибда солиш масалалари ва унинг ҳуқуқий ечимлари аниқлаш, ҳуқуқий базани яратиш ва шу асосдан хоҳлаймизми йўқми назорат қилиб бориш вазифаси енгиб болмайдигин кийинчиликга ҳамда боши берк кўчага киришиб қўйиши мумкин.

Халқаро молиявий стандартларни яратувчилар ва Европа Иттифоқи органларининг тутган ўрнини сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг барчаси криптовалюта операцияларига жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашишни таъкидлаш лозим. Ўзининг хусусиятига кўра мазкур амалиёт жараёнига тарафлар ўртасида ишончсизлик мавжуд бўлсада, бу ҳолат битимларнинг етарли даражада тақсимланмаганлиги сабабли ҳозирча бунинг салбий жиҳатлари сезилмаябди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, блокчейн технологиясида асосланган операцияларнинг авфзалликлари ортиқча баҳолангандай кўриниши табиий ҳолат бўлсада, вақт ўтиши билан уни қўллаш соҳасида шов-шувли ҳолатлар камаяди ва ундан ҳақиқий фойда олиш аниқроқ кўринади.

Олиб борилган тадқиқотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда крипто-активларни тартибга солишнинг асосий тенденцияси криптовалюта амалиётини тартибга солувчи органлар назорати остига қўйиш, улар билан молиявий амалиётларни олиб боришда аноним шахсларни очиқлаштириш (деанонизм), лиценциялаш, ҳисобот бериш, капитал миқдорининг етарли эканлиги ва ликвидлик стандартларини ишлаб чиққан ҳолда уни бозорнинг профессионал иштирокчилари учун жорий этиш лозим. Мазкур қарашлар ҳанузгача ўзининг ҳуқуқий ечимини кутмоқда. Мазкур қарашларни амалга оширилиши албатта тинимсиз илмий изланишлар маҳсули ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Р.Пўлатов. Криптовалюта ва токенлар айланмасини ҳуқуқий тартибга солиниши // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Тошкент, 2024. 24-б.

2. Jonathan R.Karlsen. How Much Illegal Activity is financed through Crypto currencies? (December 14, 2018). Review of Financial Studies, Forthcoming. Available at SSRN: <https://ssrn.com>

3. FATF Report Virtual Currencies Key Definitions and Potential AML/CFT Risks, June 2014. –P.4.

4. Криптовалюты и блокчейн как атрибуты новой экономики. Евразийская экономическая комиссия. –М.: 2019. –С.69-71.

5. Hatim Hussain, Michel Rauchs, Rasheed Saleuddin. Global Cryptoasset Regulatory Landscape Study // Cambridge Center for Alternative Finance, <https://www.jbs.cam.ac.uk>

6. FATF (2012–2019), International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation, FATF, Paris, France. –P. 15: [www.fatf-gafi.org](http://www.fatf-gafi.org)

7. Communiqué G20 Finance Ministers and Central Bank Governors Meeting Fukuoka, Japan, June 9, 2019. Para. 13: <http://www.g20.utoronto.ca>

8. FATF (2012–2019), International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation, FATF, Paris, France. –P.70.

9. Financial Stability Board, Crypto-asset markets Potential channels for future financial stability implications 10 October 2018 <https://www.fsb.org>

10. Financial Stability Board, Crypto-asset markets Potential channels for future financial stability implications 10 October 2018 <https://www.fsb.org>

11. International Organization Of Securities Commissions, Issues, Risks and Regulatory Considerations Relating to Crypto-Asset Trading Platforms, Consultation Report, CR02/2019, May 2019: <https://www.iosco.org>

12. IOSCO сайти. <https://www.iosco.org/publications/?subsection=ico-statements>

13. Piergiorgio Valente. Bitcoin and Virtual Currencies Are Real: Are the Regulators Still Virtual? INTERTAX, Volume 46, Issue 6 & 7, 2018. –P.544.

14. European Banking Authority Report, 9 January 2019. Report with advice for the European Commission on cryptoassets. –P.4. <https://eba.europa.eu>

15. European Central Bank, Crypto-Assets: Implications for financial stability, monetary policy, and payments and market infrastructures, No 223, May 2019. –P.3. <https://www.ecb.europa.eu>

16. ESMA Advice, Initial Coin Offerings and Crypto-Assets, 9 January 2019, ESMA50-157-1391. <https://www.esma.europa.eu>

17. Judgment of the Court of 22 October 2015 Skatteverket v David Hedqvist, Case C-264/14, Published in the electronic Reports of Cases, ECLI:EU:C:2015:718.

18. Judgment of the Court of 22 October 2015 Skatteverket v David Hedqvist. Paras. –P. 54.

19. Kollmann, J. The VAT Treatment of Cryptocurrencies, EC Tax Review 2019-3. –P.170.

20. Directive (EU) 2018/843 of the European Parliament and of the Council of 30 May 2018 amending Directive (EU) 2015/849 on the prevention of the use of the financial system for the purposes of money laundering or terrorist financing, and amending Directives 2009/138/EC and 2013/36/EU, Art. 3 (18) (19) // OJL 156, 19.6.2018. –P.74.

21. Expert Group on Regulatory Obstacles to Financial Innovation (ROFIEG), 30 Recommendations On Regulation, Innovation And Finance, Final Report to the European Commission December 2019. –P.23.

22. Reuters, Japan's ruling party says won't regulate Bitcoin for now (19 June 2014), [www.reuters.com](http://www.reuters.com)

23. Reuters, The Coincheck cryptocurrency hack:

everything you need to know (29 January 2018), available at: <http://fortune.com/2018/01/29/coincheck-japan-nem-hack/>.

24. See Takero Minami and Keita Sekiguchi, Japan's Coincheck to gain license after \$500m hack, *Nikkei Asian Review* (19 December 2018), available at: <https://asia.nikkei.com/Spotlight/Bitcoin-evolution/Japan-s-Coincheck-to-gain-license-after-500m-hack>.

25. Turdialiev, M. A. P. U. (2023). SOME SCIENTIFIC THEORETICAL DISCUSSIONS ON THE LEGAL REGULATIONS OF THE METAVERSE. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(8), 298-307.

26. Pramesthi, Q. E., Ogli, T. M. A. P., & Febriani, H. (2024). Review of Judges' Consideration in the Court Decision Regarding the Illegal Sale of Subsidized Fertilizer: Comparison of Indonesian and Uzbekistan. *Jurnal Jurisprudence*, 117-136.